

Россияда бўлиб турган ҳар қандай шахс, фуқаролиги, суғурта полиси ва бошқа ҳужжатларининг мавжудлигидан қатъи назар, БЕПУЛ шошилич тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.<sup>1</sup>

Шошилич ёрдам, ҳаёт учун хавф мавжуд бўлган ва шошилич тиббий аралашув зарур бўлган ҳолатларда кўрсатилади.

Бепул ёрдам, фақат давлат шифоналарида кўрсатилади.

Россиянинг барча шаҳарларидаги тез ёрдам рақамлари - 103, ёки мобил телефондан 112 (тез ёрдамни ҳатто блокланган телефондан ҳам чақириш мумкин). Қўнғироқ қилганда, нима бўлганини, жароҳат олган шахснинг қаердалигини айтишингиз ва операторнинг саволларига жавоб беришингиз керак.

## ҚУЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА ТЕЗ ЁРДАМ ЧАҚИРИШ ЗАРУР,

- бирор киши жиддий жароҳат - масалан, бахтсиз ҳодисага учраган ёки деразадан тушиб кетган бўлса
- ҳушини йўқотганда
- бахтсиз ҳодисага учраганда
- қаттиқ қон кетишида
- жиддий заҳарланишда
- агар ҳомиладор аёлда тўлғоқ бошланса ёки тўсатдан оғриқлар пайдо бўлса



<sup>1</sup>Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2013 йил 6 мартдаги 186-сонли «Россия Федерацияси ҳудудида чет эл фуқароларига тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори.



Тез ёрдам рақами —  
**103** ёки уяли  
телефондан **112**

**+7 967 079-71-45**  
**+7 915 452-83-92**  
**+7 910 000-55-18**

### «Сиҳатлик сари бир қадам»

Бу ерда сизнинг тиббий ёрдам олиш ҳақидаги саволингизга жавоб беришади ва ўзингизни қандай ҳимоя қилиш ҳақида маслаҳат беришади.

Шошилинч тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканлигингизни унутманг. Агар сизда мажбурий тиббий суғурта полиси ёки баъзи ҳужжатлар бўлмаса ҳам, «Тез ёрдам» сизга ёрдам беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга эмас.



**РОССИЯДАГИ  
МИГРАНТЛАРГА  
ШОШИЛИНЧ  
ТИББИЙ ЁРДАМ  
КЎРСАТИШ**